



ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИ
МАСАЛАЛАРИ



| | |
|--|----|
| Алимов Т. Ҳозирги замон инглиз тилида эганинг структуравий ва семантик гурлари..... | 3 |
| Алимов Т.А., Амиркулов Д., Амиркулова Н. Инглиз тилида ёзма ва нутк фаолиятини ўстиришда педагогик методиканинг роли | 5 |
| Алиқулов А.Г. Ўзбек тили ел-ёгин отлари системасининг ўзига хос хусусиятлари..... | 8 |
| Амирова З. Инглиз тилини ўқитишда таълим технологияси..... | 12 |
| Амиркулова Н.А. Ҳозирги замон инглиз тилида ўтимлилик категорияси..... | 14 |
| Бозорова Д., Келдиерова В. Ўзбек тилида сўз вариантлари хусусида баъзи мулоҳазалар | 17 |
| Вашев Т. Гилда полифункционаллик талқинига доир..... | 19 |
| Жабборов Х., Маҳмудова Ф. Академик лицей талабаларининг тафаккурини ўстириш устида ишлаш | 23 |
| Жабборов Х. Дехқончилик лексикасида арабча ўзлашмалар..... | 25 |
| Жабборов Э., Дошоев А. Узумчилик лексикасида сўз ясалиш ҳодисаси..... | 28 |
| Жумаев Т. Кук сўзипинг этимологияси ҳақида..... | 30 |
| Жумаев Г. Оқ сифатининг этимологияси..... | 32 |
| Ишанова С. Передача паремиологии и фразеологических единиц..... | 35 |
| Кенжаев Г., Шерқулов С. Изоҳли луғатда от сўз туркумига мансуб сўзларниш и юҳланиши ва ўқувчиларга ўргатиш..... | 37 |
| Маманова Г., Жабборов Э. Бадий матнда аитонимларнинг лингвоноэтик хусусияти..... | 39 |
| Марқаев К. Ўтмик номлар таснифига доир | 42 |
| Марқаев Я. Замоनावий тилшуносликда неологизм тушунчаси | 45 |
| Муслиманова Н.Р. Ўзбек тили грамматикасида категориал ва иокатегориал маъноларнинг ўзгача талқини..... | 50 |
| Ниёзова О. XI-XII аср ёзма манбаларининг шаклланишида унли фонемаларнинг ўрни | 52 |
| Ўринова О., Ниязова М. Уч бўлакли мажхул иисбатни функционал тадқиқ этиш тарзи | 54 |
| Норов А. Ўзбек тилшунослигида компьютер лингвистикасига оид илмий тадқиқотларнинг талқини | 57 |
| Ортиқова Э., Тожиёва Г.Н. Атов бирликларининг семантик деривацияси | 60 |
| Очилова Ю., Муртазаев Э. Интерфаол таълим ва унинг дидактик имкониятлари..... | 63 |
| Раҳимова М. Немис ва ўзбек тилларининг фонотактик хусусиятлари..... | 66 |
| Раҳимова М. Немис тилидаги фразеологизмларнинг луғатларда берилиши | 68 |

АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ТАЛАБАЛАРИНИНГ ТАФАККУРИНИ ЎСТИРИШ УСТИДА ИШЛАШ

Х. Жабборов, Махмудова Ф. (ҚарДУ)

Бугунги мустақиллик даври мактаб ўқувчиси, академик лицей ва коллежлар, қолаверса, олий таълим тизимидаги магистрлар, талабалар жамиятимизда рўй бераётган туб ўзгаришларни ўз кўзи билан кўраётган, уни ақл чиғиригидан ўтказаётган, ҳар бир масалага ўз муносабатини билдира оладиган, ижодий фикр олами кенг ёшлардир.

Зеро, Ўзбекистон Президенти И. Каримов Олий Мажлиснинг X сессиясида сўзлаган (1997 йил 9 август) нутқида: “Демократик жамиятда болалар, умуман, ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган этиб тарбияланади. Агар болалар эркин фикрлашни ўрганимаса, берилган таълим самараси паст бўлиши муқаррар. Албатта, билим керак. Аммо билим ўз йўлига. Мустақил фикрлаш ҳам катта бойликдир”, – деб қайд қилади.

Академик лицейларда она тили таълими олдида турган бош талаб ҳам ижодий тафаккур соҳиби бўлган баркамол авлодни етиштириш, эркин фикрлаш ва фикр маҳсулини ҳар қандай иутқ шароитида бемалол баён қила оладиган шахсни етиштиришдир. Бунинг учун эса уларнинг сўз бойлигини ошириш энг муҳим вазифалардан бири бўлмоғи лозим. Сўз бойлигини ошириш учун эса луғатлардан фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Она тили машғулотида имло, изоҳли луғатларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Чунки лугатлар билим манбаи ва ўқитиш, ўргатиш жараёнида ёрдамчи воситадир. Йўл қўйилган имловий хатони бартараф этиш, сўз маъносини шарҳлаш, маълум бир сўзнинг имлосини билиб олишда луғатлардан кенг фойдаланилади.

Маълумки, ижод тафаккур маҳсули. Тафаккур маҳсули эса ҳар бир инсоннинг сўз бойлиги, мустақил фикрлаш қобилияти билан ўлчанади. Модомики шундай экан, она тилидаги ҳар бир мавзунини ўрганишда, биринчи навбатда, ўқувчининг сўз бойлиги ошиб, тафаккури чархланади. Ижодий тафаккури етарли даражада ривожланган талаба ҳар қандай ўқув қийинчилигини энгишда йўл топади, ўз кучи, ақли, эгаллаган билим, малака ва кўникмаларига таянган ҳолда ўқув қийинчиликларини бартараф этади. Кузатишлар шуни кўрсатадики, академик лицейларининг она тили машғулотида, кўп ҳолларда, талаба ўрганилган билимларни хотирада тиклаш, эгаллаганларни эслашдан нарига ўтмайди. Қисман

ва ижодий топшириқларни етарли даражада ишга тушира олмаслик натижасида улар ижодий фаолиятга тайёр бўла олмаётирлар. Бу она тили машғулотларини тамоман янги мазмун ва йўналишда ташкил этишни, дарсда ўқитувчининг мутлоқ ҳукмронлигидан қутилиб, кенг ижодий майдон муҳитини яратишни тақозо этади.

Она тили дарсларида талабаларнинг сўз бойлигини ривожлантиришга қаратилган ижодий-амалий топшириқлардан етарли фойдаланмаслик оқибатида она тили дарсларининг сўнгги натижаси нутқий фаолиятнинг ривожланишига ҳам салбий таъсир этади. Талаба фаолиятида биз тез-тез дуч келадиган сўз кашшоқлиги, фикрни мантиқан тўғри баён қила олмаслик, фикрни мустақил изчилликда бера олмаслик, баён қилиниши лозим бўлган фикрларни мантиқий бўлақларга тўғри ажрата олмаслик, мавзу талабидан четга чиқиш сингари ҳоллар ёшлар тафаккур ва сўз бойлигининг етарли даражада ривожланмаганлиги натижасида юзага келади.

Оғзаки ва ёзма нутқни ривожлантириш дастлаб талабанинг сўз бойлигини бойитиш билан амалга оширилади. Академик лицейларда адабиёт дарси ўқитилар экан, унинг ўзига хос мураккаб томонлари бор, яъни мумтоз адабиётимиз материаллари ўрганилганда. ўқувчилар учун нотаниш сўзларни луғат дафтарига ёздириб, луғавий маъноси тушунтирилади. Масалан, ғулом (кул), девонбеги (пойтахт бошлиғи), амир (фармон берувчи, ҳоким), сарроф (пулни майдалаб берувчи, қимматбаҳо тошларни баҳоловчи заршунос), даҳма (супа), табобат (тиббийёт) ва ҳ.к.

Талабаларнинг луғат бойлигини оширишда турли усуллар, ўйинлардан фойдаланилади. Масалан, ҳар бир дарсни “Ким қанча сўз билади?” мавзуидаги сўз билиш дақиқаси билан бошлаш мумкин. Яна бу услубдан муаммоли саволлар билан ишлашда фойдаланса бўлади. Бунда ўқувчилар ўз луғат дафтарларига академик лицей ҳаётига доир, турмуш воқеаларига ҳаётимизда рўй бераётган ўзгаришларга оид янги сўзларни ёзиб келадилар. 3 ёки 4 дақиқа ичида 8 ёки 10 ўқувчи дарсларда шу сўзларнинг синонимларини топишни сўраш, шу сўзлар иштирок этган гаплар туздирishi мумкин. Бу усулни дарс давомида дам олиш дақиқаси тарзида “Луғат дақиқаси” қилиб ўтказиши ҳам мумкин.

Талабалар бундай янги сўз ва атамаларни бир айтишдаёқ тўла эгаллаб олмайдилар, бунинг устига синфда ҳамма талабаларнинг ўқуви, ўзлаштириши бир хил бўлмайди, Шунинг учун она тили

дарсларини ҳозирги ҳаётимизга боғлаб, янги сўзлар ва атамаларни кўргазмалар, "Атамалар", "Изоҳли луғат" бурчаклари ёрдамида ўргатиш лозим. Ўқувчилардаги бундай хатоларни бартараф қилишда ҳам луғат доскасида фойдаланишга алоҳида аҳамият берилади.

Қисқаси, академик лицейларнинг она тили дарсларида талабаларнинг тафаккурини ўстиришда қуйидагилар эътиборга олинishi лозим:

а) ўқувчиларнинг тафаккурини ўстиришда уларнинг фанга бўлган қизиқишларини ҳисобга олиш ва она тилининг луғат бойлиги билан таништириш;

б) луғат таркибидаги сўзларни нутқда тўғри, ўринли қўллаш кўникмасини ҳосил қилиш;

в) ўқувчиларнинг ёш хусусиятини ҳисобга олиб, уларни янги сўзлар билан таништириш;

г) шева ва сўзлашув нутқи таъсири туфайли ўқувчилар иутқида учрайдиган, адабий тилга хос бўлмаган сўзларни тугата боришни кўзда тутиш;

д) ўрганилаётган янги сўзининг туб маъносини ўқувчи онгига етказишнинг аҳамияти катта.

ДЕҲҚОНЧИЛИК ЛЕКСИКАСИДА АРАБЧА ЎЗЛАШМАЛАР

ЖАББОРОВ Х. (ҚарДУ)

Деҳқончилик лексикасида арабча сўзлар катта миқдорни ташкил этмайди. Шундай бўлса-да, ўзбек тилининг деҳқончилик лексикасида арабча ўзлашмалар ҳам мавжуд.

Бундай сўзларнинг ўзлашиши IX–X асрдан бошланган. Араб тилидан ўзлашган сўзлар деҳқончилик лексикасига форс-тожик тилининг, ёзма адабиётнинг ҳамда ўзбек халқининг бевосита араб халқлари билан ўзаро мулоқоти ва алоқаси туфайли ўзлашган.

Кузатишлар шуни кўрсатдики, деҳқончилик лексикасида араб тилидан ўзлашган сўзлар қуйидагилардан иборат: *анҳор, ижара, мулк, сел, баҳр, водий, арбоб, марза, наҳр, соҳил, ҳовуз, ҳавз, ҳавза, ҳавоза, ҳосилот, ҳовдан, манба, майдон, ҳашар, набот, наботот, ҳосил, галла, таноб, нав, навбат, пайгамбар арна, сунбул (сув), асад (сув)* ва бошқалар.

Ушбу мақолада арабча ўзлашмаларни темурийлар давридаги ер ва сувга бўлган мулкчилик муносабатларини ифодаловчи сўзлар мисолида таҳлил этамиз.

Тарихий асарларнинг гувоҳлик беришича, темурийлар даврида